



YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA
BIRLASHAYLIK!

Ishonch

2026-yil,
7-mart,
shanba
№30
(5250)

● Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

● O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ АЁЛЛАРИ БАХТЛИ-САОДАТЛИ ЯШАЙДИГАН МАМЛАКАТГА АЙЛАНТИРИШ – ЭНГ УЛУҒ МАҚСАД

КЎКСАРОВ ҚАРОРГОҲИДА 6 МАРТ КУНИ ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ИШТИРОКИДА ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.



Баҳорнинг илк нафаси билан табиат уйғониб, олам янгича чирой очаетган шу фарахбахш кунларда қалбларимиз яна бир бор нафосат ва эзгулик байрами – 8 март шуқуҳи билан тўлиб-тошмоқда. Аёл зоти борки, бу дунё меҳр ва муҳаббат, оилавий бахт ва хотиржамлик билан мунаввардир. Оналар дуоси, опа-сингилларимизнинг табас-

суми ҳаётимизга мазмун бағишлаб, эртанги кунимизга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Бугун мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эҳтиром ислохотларнинг бош мезониди ўз ифодасини топмоқда. Аёл – нафақат хонадон фариштаси, балки Янги Ўзбекистон тараққиётига бекиёс ҳисса қўша-

ётган фидойи замондош, оқила раҳбар ва фаол бунёдкор сифатида кадр топмоқда. Тантанали байрам тадбири ҳам ана шу эзгу қадриятларнинг яна бир ёрқин намоиши бўлди.

Давлатимиз раҳбари маросимда нутқ сўзлаб, барча муҳтарам она-хонлар, қадрли опа-сингилларни самимий табриклади.

– Инсон ҳаётини, жамият тараққиётини хотин-қизларсиз, уларнинг эзгу фазилатларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Биз сизларнинг тимсолингизда Учинчи Ренессанс бунёдкори бўлиб майдонга чиқётган 22 миллионлик ёш авлодни оналик меҳри билан тарбиялаб, вояга етказган буюк бир кучни кўрамиз. Сизлар тадбиркор, олим,

муаллим, шифокор, муҳандис, давлат ва жамоат арбоби, бир сўз билан хонадонларимиз фариштаси, оила ва жамият таянчи, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз, – деди Президентимиз.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги ролини

ошириш бўйича мутлақо янги тизим шакллантирилгани таъкидланди. Қабул қилинаётган қонун ва қарорларда гендер тенглиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, хотин-қизлар манфаатларига таъсири баҳоланмасдан туриб, ҳеч бир қонун қабул қилинмаслиги белгиланган.

>> 2

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам она-хонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларимиз!

Сизларни, бутун Ўзбекистон аёлларини 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунин билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Инсон ҳаётини, жамият тараққиётини хотин-қизларсиз, уларнинг эзгу фазилатларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Биз сизларнинг тимсолингизда Учинчи Ренессанс бунёдкори бўлиб майдонга чиқётган 22 миллионлик ёш авлодни оналик меҳри билан тарбиялаб, вояга етказган буюк бир кучни кўрамиз.

Сизлар тадбиркор, олим, муаллим, шифокор, муҳандис, давлат ва жамоат арбоби, бир сўз билан хонадонларимиз фариштаси, оила ва жамият таянчи, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз опа-сингиллар!

Биз юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатини таъминлаш, муаммоларини ҳал қилиш бўйича мутлақо янги тизим яратдик. Барча қонун, фармон ва қарорларни қабул қилишда гендер масаласи бўйича ҳуқуқий механизмлар жорий этилди.

Энди хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига таъсири баҳоланмай туриб бирор қонун қабул қилинмайди.

Яратилган кенг имконият ва шароитлар ҳисобига 230 мингга яқин тадбиркор аёллар синфи шаклланди, миришкор фермер аёлларимиз 12 минг нафарга етди, илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшаётган олималаримиз 6 минг нафардан ошди.

Ўтган йили дунё ареналарида шижоатли қизларимиз 167 та олтин, 193 та кумуш, 243 та бронза медалини қўлга киритгани таҳсинга сазовордир.

Хотин-қизларимиз ҳаётидаги ана шундай катта ўзгаришлар дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Парламентлараро иттифоқнинг «Парламентдаги аёллар» рейтингига 92 поғона юқорилаб, 36-ўринни эгаллади; «Гендер тенглик ва бошқарув» индексида 103-ўриндан 52-ўринга кўтарилди; Жаҳон банкнинг «Аёллар, бизнес ва қонун» ҳисоботида эса ўз позициясини 43 поғонага яхшилаб, 48-ўринга чиқди.

Фурсатдан фойдаланиб, турли соҳалардаги меҳнатги, истеъдоди ва ақл-заковати билан Янги Ўзбекистонни барпо этишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган аёлларимизга, халқаро майдонларда Ватанимизни дунёга тараннум этаётган қизларимизга, уларнинг ота-оналари, устоз ва мураббийларига самимий миннатдорлик билдираман.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Аёлларни ишли ва даромадли қилиш масаласи ҳамиша эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Ўтган йили хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида 23,5 триллион сўм кредит йўналтирдик. Бунинг ҳисобидан 425 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз тадбиркорликка жалб қилинди.

Мисол учун, тўқимачилик соҳасида 300 нафар аёлларни банд қилган янгиариқлик Наргиза Бекмуратова ўтган йили иккинчи фабрикасини очиб, яна 100 та иш ўрни яратди. Ушбу ишбилармон қизимиз 2025 йилда Анқара шаҳрида ўтказилган халқаро танловда «Хотин-қизлар учун энг кўп иш ўрни яратган тадбиркор аёл» номинацияси ғолиби бўлди.

Мен бундай серғайрат қизларимизни Янги Ўзбекистон бунёдкорлари, деб биламан. Уларни ҳар қанча қўллаб-қувватлашга тайёрман. Шу боис бу йил 166 минг нафар хотин-қизлар замонавий касб ва тадбиркорликка, яна 100 минг нафари IT соҳасига ўқитилади.

Шунингдек, опа-сингилларимизга ўз уйида тадбиркорлик қилиши учун «Даромадли аёл» дастурини бошлаймиз. Бу орқали лидер тадбиркор-

лар кўмағида касаначилик, хунармандчилик, паррандчилик, асаларичилик ва томорқачилик йўналишларида 50 минг нафар аёлнинг бандлиги таъминланади.

Бундан ташқари, «Ҳамроҳ» дастури доирасида хотин-қизларнинг 3 мингта лойиҳасига жами 1 триллион сўм ажратилади.

Умуман, жорий йилда 1,5 миллион нафар аёлни даромадли қилиш, шундан 400 минг нафарини бизнесга жалб этиш бўйича катта марра олганмиз. Ушбу мақсадлар учун 25 триллион сўмдан зиёд ресурс йўналтирилади. Бош вазир ўринбосарлари Ж.Қўчқоров, З.Маҳкамова, Камбағаллини қисқартириб ва бандлик вазири Б.Зоҳидов, Марказий банк раиси Т.Ишметов, вилоят ҳокимлари бу ишларга масъул бўлади.

Қадрли юртдошлар!

Бугун олийгоҳда ўқиётган қизларимиз сони 904 мингдан ошиб, жами талабаларнинг 54 фоизини ташкил этмоқда.

Ўтган йили 60 нафар қизимиз дунёдаги энг нуфузли олийгоҳларга ўқишга киргани албатта барчамизни қувонтиради.

Стажёр-тадқиқотчилар ва докторантурада таҳсил олаётганларнинг 8,5 минг нафари, яъни, 61 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани ҳам эътиборлидир.

Бугунги анжуманимизда қатнашаётган қизларимиз – Ке-

гейли туманидан Индира Сатниязова, бухоролик Вазира Файзуллаева, навоийлик Машҳура Қудратованинг халқаро фан олимпиадаларида эришган ютуқларини ҳамда бир қатор халқаро стартап танловлари ғолиби бўлган бувайдалик Дилфўруз Жўрабоева нуфузли «Microsoft» компаниясининг Ўзбекистондаги элчиси сифатида эътироф этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Янги ўқув йилидан бошлаб эҳтиёжманд оилалардаги аёлларимиз учун давлат гранти квотасини 2 қарра ошириб, 4 мингтага етказамиз.

ТОП-300 талабқар олийгоҳлар билан қўшма таълим асосида магистратура босқичида таълим олаётган талаба қизларнинг контракт пуллари ҳам давлат томонидан тўлаб берилди.

Энди ҳар йили хотин-қизларнинг инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш учун камида 10 та йўналиш бўйича стартап танловлари ўтказилади. Бунда ҳар бир йўналиш ғолибига Инновация жамғармасидан 500 миллион сўмгача грант берилди. Мактабларнинг 11-синфини битириб, давлат техникумларига кирган қизларни касбга ўқитиш тўлиқ давлат гранти асосида бўлади.

>> 2

Тадбир

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ташкил этилган «Сен азизсан, муҳтарам аёл!» номи тадбирда соҳада хизмат қилаётган аёллар мадҳ этилди.

СИЗ ҲАМИША АРДОҚДАСИЗ!

Эъзоз ва эҳтиромга тўла тадбирни кенгаши раиси Талғат Усмонов очиб берди. Унинг айтишича, саноат соҳаси кўпроқ жисмоний меҳнат талаб қиладиган, асосан эркаклар фаолият юритадиган йўналишлардан бири саналади. Бирок бугунги кунда замонавий технологиялар, илм-фан ва малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёж туфайли бу тармоқда қўллаб-қўлланган хотин-қизлар меҳнат қилишмоқда. Жумладан, соҳадаги касба уюшмасига аъзо 420 та ташкилотда 28189 нафар хотин-қиз ишламоқда.

Байрам тадбирини нафақат тизимда узоқ йиллардан бери самарали ишлаб келаётган опа-сингилларимиз, балки фахрийлар ҳам тақдиф қилинди. Улар қадрдон ҳамкасблари билан суҳбатлашиб, бирга ишлаган давларини эслашди.

Маданий-маърифий чиқишлардан иштирокчиларнинг қўлчилари ёришди. Турин политехника университетининг қўли гул ва чевар қизлари баҳорий кайфият улашувчи миллий либослар намоишини ўтказишди. Қўй-қўшиқларга уланган даврада меҳмонларга эсдалик совғалари ҳам тақдим этилди.

Зебунисо ЯНГИБОЕВА

www.ishonch.uz

www.//

ishonch1991@yandex.uz




facebook.com/ishonchofficial.uz



https://t.me/ishonchuz_official





Оналар оёғи остидадур
Равзайи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғин тупроғи.

Алишер Навоий

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ АЁЛЛАРИ БАХТЛИ-САОДАТЛИ ЯШАЙДИГАН МАМЛАКАТГА АЙЛАНТИРИШ – ЭНГ УЛУҒ МАҚСАД

КЎКСАРОЙ ҚАРОРГОҲИДА 6 МАРТ КУНИ ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ИШТИРОКИДА ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

<< 1

Ўйлайманки, бу ташаббуслар хотин-қизларимиз учун янги имкониятлар эшигини очиб беради.

Азиз дўстлар!

Аёллар ва болаларга нисбатан таъйиқ ва зўравонликка қарши мурасасиз муҳит яратиш – биз учун стратегик вазифа. Шу ҳафтада яна бир муҳим Фармонни имзоладим. Энди хотин-қизлар ва болаларга нисбатан ҳар қандай зўравонлик ва таъйиқ ҳолатларига қарши қатъий тизим асосида кураш олиб борамиз.

Яна бир муҳим масалага тўхталмоқчиман. Бугунги кунда жазони ижро этиш муассасаларида 2589 нафар аёл жазо муддатини ўтамоқда.

Турли сабабларга кўра, билиб-билмай жиноятга қўл урган ушбу аёллар ҳам шу юртининг фуқаролари. Уларни ижтимоий ҳаётга қайтариш, жамиятнинг тўлақонли аъзосига айлантириш тўғрисида ҳам жиддий ўйлашимиз керак.

Жазони ўтаётган аёлларнинг 1239 нафари ўрта маълумотли, на касби, на хунари бор. Уларнинг 443 нафари олий таълим муассасаларида ўқиш истагини билдирган. Шу боис бундай хотин-қизлар билан манзилли ишлаш бўйича «Янги ҳаёт» дастурини бошлаймиз.

Ички ишлар вазирлиги Касбий таълим агентлиги ва Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан жазони ўтаётган аёлларни 3-6 ойлик касб дастурлари бўйича ўқитиб, сертификат беради. Шунингдек, маҳкумаларга ўша ернинг ўзида имтиҳон топишиб, олийгоҳларга кириш ва масофавий ўқиш имкониятини яратиб берамиз.

Контракт бўйича ўқишга қабул қилинганларга жазони ўтаб, ишга жойлашганидан кейин қайтариш шарти билан фоиэсиз сууда ажратилади.

Муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар!

Бугун Янги Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига дадил кириб бормоқда. Биз ўз олдимизга, аввало, инсон бахти, инсон қадри учун хизмат қиладиган улкан мақсадлар қўйганмиз. Чунки, **инсон бахти – оиладан бошланади, оила эса аёл билан мустақкам**. Келажак авлодлар ана шу муқаддас маконда камолга етади. Ҳеч шубҳасиз, бу борада қизларимизнинг маънавий тарбияси хал қилувчи ўрин тутади.

Меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас фазилатлар қизларимиз қалбига бувижонларнинг насиҳат ва ўғитлари билан киради. Бундай оилада тарбия олган қизларимиз юриш-туриши, одоб-ахлоқи ва ҳаётга муносабати билан тендишларига намуна бўлиб келган. Бугунги шароитда ана шу тарбия мактабига эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди.

Шу ўринда мен ўта оғир синов дамларида

ҳам қадди букилмаган, бутун умрини оиласига, фарзандига бағишлаган барча онахонларимизга мурожаат қилмоқчиман.

Биз 2026 йилни **«Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили»**, деб эълон қилганимиз бежиз эмас. Дунёдаги вазият қандай таҳликали бўлиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Бундай мураккаб даврда юртимиздаги тинчлик ва осойишталик Аллоҳ таоло берган улугъ неъмат эканини янада чуқур ҳис этмоқдамиз. Уни асраш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Мана шундай шароитда дуоғўй бувижонларимиз, мўътабар онахонларимиз оилаларда бу неъматнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ва фарзандлар, набираларга шукроналик туйғусини сингдиришда намуна бўладилар, деб ишонаман.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Инсон учун ўз меҳнатининг маҳсулини кўриш, эътироф ва эътиборга сазовор бўлиш катта бахт.

Ушбу кутлугъ байрам арафасида юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган аёлларимиздан бир гуруҳини давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан тақдирлаш бўйича Фармонни имзоладим. Шунингдек, анъанага кўра, ўқиш ва ижодда, илм-фан, спорт ва жамоат ишларида фаол бўлиб келаётган қизларимиздан яна 28 нафари Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Бутун халқимиз номидан мукофот соҳибаларини яна бир бор табриклайман.

Муҳтарама опа-сингиллар!

Сўнги йилларда сиз, азизлар билан, халқимиз билан бирга илгари тарихимизда бўлмаган буюк ишларни амалга оширдик.

Машаққатли, ҳалол меҳнатимиз билан бутун дунёнинг эътирофи ва ҳурматига сазовор бўлмоқдамиз. Энг муҳими, ҳар бир соҳа ва тармоқда Янги Ўзбекистон мактаби шаклланмоқда.

Биз учун бугунги ўта оғир ва мураккаб замонда олдимизга қўйган улкан марраларни эгаллашда янада бирлашиб, ҳамжихат бўлиб меҳнат қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим вазифадир.

Янги Ўзбекистонни аёллари ҳаётдан рози бўлиб, бахтли-саодатли яшайдиган мамлакатга айлантириш – меннинг энг катта ниятим.

Ишончим комил, сиздек фидойи, шижоатли, меҳнаткаш аёлларимиз, бутун халқимиз билан бирга эзгу мақсадларимизга, албатта эришамиз! Сўзимнинг якунида бутун Ўзбекистон хотин-қизларини кириб келаётган нафосат айёми, гўзаллик байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-омонлик, оилавий бахт-саодат ёр бўлишини тилайман.

Байрамингиз муборак бўлсин!



<< 1

Мазкур сиёсат натижасида фаол тадбиркор аёллар қатлами шаклланиб, бугунги кунда уларнинг сони 230 минг нафарга яқинлашди. Қишлоқ хўжалигида 12 минг нафардан ортиқ фермер аёллар меҳнат қилмоқда, илм-фан соҳасида эса 6 мингдан зиёд олималар фаолият юритмоқда.

Қизларимиз халқаро спорт мусобақаларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Хусусан, ўтган йилда улар жажон ареналарида 167 та олтин, 193 та кумуш ва 243 та бронза медалини қўлга киритди.

Хотин-қизларимиз ҳаётидаги бундай ижобий ўзгаришлар халқаро майдонда ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Парламентлараро иттифоқнинг «Парламентдаги аёллар» рейтингида 92 поғона юқорилаб, 36-ўринни эгаллади. «Гендер тенглик ва бошқарув» индексида мамлакатимиз 103-ўриндан 52-ўринга қўтарилди. Жаҳон банкнинг «Аёллар, бизнес ва қонун» индексида эса 43 поғонага яхшиланиб, 48-ўринни эгаллади.

Давлатимиз раҳбари турли соҳалардаги меҳнати, истеъдоди ва ақл-заковати билан Янги Ўзбекистонни барпо этишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган аёлларимизга, халқаро майдонларда Ватани-

мизни дунёга тараннум этаётган қизларимизга, уларнинг ота-оналари, устоз ва мураббийларига самимий миннатдорлик билдирди.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва уларни тадбиркорликка жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган йили бу мақсадлар учун 23,5 триллион сўм кредит ажратилиб, бунинг натижасида 425 мингдан ортиқ аёллар тадбиркор бўлди.

Бу йил ҳам хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш бўйича кенг қўламли дастурлар амалга оширилади. Хусусан, 166 минг хотин-қизлар замонавий касб ва тадбиркорликка, яна 100 минг нафари ахборот технологиялари соҳасига ўқитилади.

Шунингдек, «Даромадли аёл» дастури йўлга қўйилиб, касаначилик, ҳунармандчилик, паррандачилик, асарличилик ва томорқачилик каби йўналишларда 50 минг аёлнинг бандлиги таъминланади. «Хамроҳ» дастури доирасида хотин-қизларнинг 3 мингта бизнес лойиҳасига 1 триллион сўм ажратилиши белгиланган.

Умуман, жорий йилда 1,5 миллион хотин-қизни даромадли қилиш, шундан 400 минг нафарини тадбиркорликка жалб этиш мақсад қилинган. Бу ишлар учун 25 триллион сўмдан зиёд ресурс йўналтирилди.

Президентимиз мамла-

катимизда қизларнинг таълим олиши учун яратилаётган имкониятларга ҳам тўхтаб ўтди. Бугун олийгоҳларда тахсил олаётган қизлар сони 904 минг нафардан ошиб, жами талабаларнинг 54 фоизини ташкил этмоқда. Стажёр-тадқиқотчилар ва докторантурада тахсил олаётганларнинг ҳам 61 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани алоҳида таъкидланди.

Янги ўқув йилидан бошлаб эҳтиёжманд оилалардаги қизлар учун давлат гранти квотаси икки баробарга оширилиб, 4 мингтага етказилади. Шунингдек, дунёдаги етакчи олийгоҳлар билан қўшма таълим асосида магистратурада тахсил олаётган талаба-қизларнинг контракт тўловлари ҳам давлат томонидан қоплаб берилиди.

Ёш хотин-қизларнинг инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили камида 10 та йўналиш бўйича стартап танловлари ўтказилиб, ҳар бир ғолибга Инновация жамғармасидан 500 миллион сўмгача грант ажратилади.

Тадбирда аёллар ва болаларга нисбатан таъйиқ ва зўравонликка қарши курашиш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири экани таъкидланди.

Яқинда хотин-қизлар ва болаларни ҳар қандай зўравонликдан ҳимоя қилишга қара-

тилган янги Президент фармони имзоланди. Эндиликда хотин-қизлар ва болаларга нисбатан ҳар қандай зўравонлик, таъйиқ ҳолатларига қарши қатъий тизим асосида кураш олиб борилади.

Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган аёлларни жамиятга қайта интеграция қилиш мақсадида «Янги ҳаёт» дастури амалга оширилиши белгиланди. Унга кўра, маҳкумалар 3-6 ойлик касбга ўқитиш дастурлари орқали ҳунар эгаллайди, олий таълим муассасаларига кириш ва масофавий таълим олиш имкониятига эга бўлади.

– Биз ўз олдимизга, аввало, инсон бахти, инсон қадри учун хизмат қиладиган улкан мақсадлар қўйганмиз. Чунки инсон бахти – оиладан бошланади, оила эса аёл билан мустақкам. Ҳеч шубҳасиз, бу борада қизларимизнинг маънавий тарбияси хал қилувчи ўрин тутади, – деди давлатимиз раҳбари.

Дунёдаги вазият таҳликали бўлиб бораётган бир пайтда юртимиздаги тинчлик ва осойишталик улугъ неъмат эканини янада чуқур ҳис этмоқдамиз. Дуоғўй бувижонлар, мўътабар онахонлар оилаларда бу неъматнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ва фарзандлар, набираларга шукроналик туйғусини сингдиришда намуна бўлишларига ишонч билдирлди.

Тадбирда мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ аёлларга давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари, шунингдек, илм-фан, таълим, маданият ва жамоат ишларида фаол бўлган 28 нафар иқтидорли кизга Зулфия номидаги Давлат мукофоти тантанали тарзда топширилди.

– Янги Ўзбекистонни аёллари ҳаётдан рози бўлиб, бахтли-саодатли яшайдиган мамлакатга айлантириш – меннинг энг катта ниятим. Ишончим комил, сиздек фидойи, шижоатли, меҳнаткаш аёлларимиз, бутун халқимиз билан бирга эзгу мақсадларимизга, албатта, эришамиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Байрам доирасида «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида тантанали концерт намойиш этилди.

Знёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА муҳбири

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Президентимиз томонидан «Соғлом турмуш» медали билан тақдирланганим мен учун катта шараф ва юксак масъулиятдир. Аввало, камтарона меҳнатларим юксак даражада эътироф этилгани учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлигимни билдираман. Бу мукофотни нафақат менга, балки мен билан бирга меҳнат қиладиган барча ҳамкасбларим ва шогирдларимга берилган эътироф сифатида қабул қиламан.



ЮЛЯ БОБОЕВА,

Наманган вилояти сув спорти турларига ихтисослаштирилган спорт мактабининг сузиш бўйича мураббийси, «Соғлом турмуш» медали соҳибаси

Сузиш спорти мен учун шунчаки касб эмас, ҳаётим мазмунига ҳам айланган. Ёш авлодни соғлом, иродали ва мақсадга интилувчан қилиб тарбиялаш ҳар бир мураббийнинг энг улугъ вазифаси. Шу маънода йиллар давомида болалар билан ишлаб, уларнинг илк қадамларидан то республика ва халқаро мусобақалардаги ғалабаларигача елкадош бўлиш мен учун катта бахтдир.

Албатта, болалар билан ишлаш сабр-тоқат, меҳр ва фидойилик талаб қилади. Меҳнатинг самарасини кўрсанг, қувонасан, кучингга куч қўшилади. Шогирдларим орасида Бунёд Бахтиёров, Бехруз Абдурахмонов ва

Муҳаммадамин Раҳматуллаев каби республика ҳамда халқаро мусобақалар ғолиблари борлигидан фахрланаман.

Бир жиҳат мени алоҳида қувонтиради. Бугун юртимизнинг энг чекка ҳудудида ҳам ватанпарварлик руҳида, юртга садоқат ва маҳорат билан хизмат қиладиган ҳар бир инсон давлатимиз эътиборида ва эътирофида.

Бундан буён ҳам ёш авлодни соғлом турмуш тарзига тарғиб қилиш, сузиш спортини оммалаштириш ва янги чемпионларни тарбиялаш учун астойдил ҳаракат қиламан. Бу мукофот келгусида менга янада катта куч ва илҳом бағишлайди.



ЭЪТИБОР РАҲМОНОВА,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси

ШУНДАЙ ЮРТДА ЯШАЁТГАНИМДАН БАХТИЁРМАН!

Камтарона меҳнатим юксак қадрланиб, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланганим ҳаётимда унутилмас кун бўлди. Бу мен учун жуда катта қувонч, қутилмаган бахт!

Салкам 45 йиллик фаолиятимнинг қарийб 30 йилини касаба уюшмалари тизимида ўтказдим. Дастлаб Зангиота тумани кенгашида иш бошладим, сўнгра Тошкент вилояти кенгашига ўтдим. Ҳозир Федерациянинг Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлимида фаолият юритаман.


Касаба уюшмалари бугун республикаимиздаги энг нуфузли ташкилотлардан ҳисобланади. Ўтган йили Касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги нишонланганда бу яна бир бор ўз тасдиғини топди. Президентимиз билан бўлган учрашув эса, унутилмас тарихий воқеа бўлди. Амалга оширилган ишлар эътироф этилган ҳолда, Янги Ўзбекистоннинг Янги касаба уюшмалари олдига яна янги вазифалар қўйилди. Хусусан, «Касаба уюшмалари – аёллар манфаати йўлида» деган шиор асосидаги янги тизимни жорий этиш таклиф қилинди.

Айтиш лозимки, касаба уюшмалари ўтган даврда хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича катта тажриба тўплади. Хусусан, улар «Аёллар дафтари» орқали 4,5 миллион нафар эҳтиёжманд, кам таъминланган хотин-қизларга ёрдам кўрсатишга бош-қош бўлди.

Албатта, хотин-қизларнинг фаол ижтимоий қатлам бўлиб шаклланишида касаба уюшмаларини етакчи кучга айлантириш учун бугун барча имкониятлар мавжуд. Биз улардан унумли фойдаланган ҳолда, Президентимиз томонидан олиб бориладиган ислохотлар мазмун-моҳиятини меҳнат жамоаларида ишчи-ходимларга етказишимиз, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашимиз лозим.

Ҳеч бир юртда хотин-қизлар биздагичалик қадрланмайди. Давлатимиз раҳбари ҳар йили аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги-янги фармон ва қарорлар қабул қилмоқда. Белгиланган ишлар эса шунчаки қозғоларда қолиб кетаётгани йўқ. Улар ҳаётимизда, фаолиятимизда ўз аксини топапти.

Бундай юртда ҳаётингиздан мамнун бўлиб, жамият ривожини, юрт тараққиёти учун фидокорона меҳнат қилсангиз арзийди, албатта!



Мен аёл зотини муқаддас билдим,
У Момо Ҳавонинг буюк авлоди.
Мен аёл зотида бир жаҳон кўрдим,
У барча инсоннинг маъсум бунёди...
Абдусайд Кўчимов



ЛОБАРНИНГ
ОРЗУСИ
УШАЛДИ

Х аёт баъзида чекинишга, баъзан курашишга мажбур қилади. Хоразмлик Лобар Болтабоева ҳам гоҳ қоқиниб, гоҳ туртиниб, оёқда қатъий туришни ўрганди. Гап шундаки, у 2019 йили Хонқа тумани педагогика коллежини «Мақтабача таълим тарбиячиси» йўналиши бўйича битирди. Болалар билан ишлаш, уларнинг илк қадамлари, илк сўзлари, илк ютуқларига гувоҳ бўлиш азалий орзуси эди. Шу боис 2018 йили ўз мутахассислиги бўйича ишга кириб, беш йил давомида ййраб-яншаб меҳнат қилди. Кейин эса, турмуш ўртоғининг талаби билан ишдан бўшашга мажбур бўлди. Оила, рўзгор ташвишлари зиммасига тушди. Орада болалар дунёга келди. Лобар қанчалик мураса қилмасин, турмуши бутланмади. Ҳозир оилавий моҳаролар туфайли уч фарзанди билан ижара уйда яшамокда.

Иқтисодий қийинчиликлар, ижара ҳақи, болалар эҳтиёжи уни яна иш излашга ундади. Шу ниятда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат қилди. «Ишлашим керак, илтимос, яшаш шароитим оғирлигини инobatга олган ҳолда, тез фурсатда мутахассислигим бўйича доимий иш билан таъминланганимда амалий ёрдам беринг», деди.

Аёлнинг мурожаати тегишли тартибда Хоразм вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармасига йўналтирилди. Мутасаддилар Лобарга Урганч шаҳрида мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумот беришди. Шу тариқа у 42-мактабча таълим ташкилотига тарбиячи лавозимига ишга жойлаштирилди.

– Мени тушуниб, мурожаатимни ижобий ҳал қилиб берган масъулларга ташаккур, – дейди Лобар Болтабоева.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА

«ISHONCH»

ТАКРОРИЙ МУРОЖААТЛАР –
КАМЧИЛИКЛАРИМИЗНИ КЎРСАТАЁТГАН КЎЗГУ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг

Мурожаатлар билан ишлаш шўъбаси раҳбари Гўзалия Ризаева билан суҳбатимиз
бугунги фаолият, янада самарали натижаларга эришиш масалаларида бўлди.

– Федерацияда мурожаатлар билан ишлаш қандай йўлга қўйилган? Айтайлик, ҳуқуқи бузилган бирор одам кўнгирик қилса, кейинги жараён қандай кечади?

– 2021 йилда қабул қилинган махсус Низом асосида ягона онлайн платформа – **murojaat2.kasaba.uz** орқали рўйхатга олиниб, назорат қилинади. Бу тизим мурожаатлар ижросини тезкор таъминлаш, қорозбозликни камайтириш ва ҳисоботларни автоматлаштиришда муҳим аҳамият касб этмокда. Ҳозир Федерация аппарати ва ҳудудий ташкилотлардан 34 таси ушбу тизимдан самарали фойдаланади.

Ҳуқуқи бузилган фуқаро телефон орқали кўнгирик қилганда, унинг мурожаати онлайн тизимга киритилади. Сўнгра тегишли мутахассис томонидан кўриб чиқилади ва зарур ҳолларда иш берувчига тақдимнома юборилиб, судга даъво-ариза киритилади.

Ўтган йили жисмоний ва юридик шахслардан жами 5 143 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 1 908 таси ёзма, 741 таси оғзаки ва 1640 таси электрон шаклда эди. Шунингдек, «Ишонч телефони» орқали 854 та мурожаат кўриб этилди.

Меҳнат-ҳуқуқ инспекторлари ўрганишларидан сўнг иш берувчиларга 145 та тақдимнома юборилди. Улардан 84 таси қаноатлантирилди ва 61 таси рад этилди. Судлар 82 та даъво-аризанинг 67 тасини қаноатлантириб, 6 тасини рад этишди. 9 таси бўйича келишув битими тузилди.

Йил давомида жами 4 750 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланиб, уларнинг фойдасига 37 миллиард 420 миллион сўмдан ортқ зарар ва ушлаб қолинган тўловлар ундирилишига эришдик.

– Меҳнат соҳасидаги қонун бузилишлари бўйича қайси ҳудудлардан кўп шикоятлар тушади? Бунинг боиси ўша ерда муаммо кўплигиданми ёки бошқа сабаблари борми?

– Меҳнат қонунбузарликлари бўйича энг кўп мурожаатлар Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятларидан бўлмокда. Хўсусан, Қорақалпоғистондан – 750 та, Сурхондарёдан – 700 та, Самарқанддан – 500 та ва Жиззахдан – 450 та мурожаат келган. Бу рақамлардан мазкур ҳудудларда муаммолар кўп, деб тушуниш ҳам мумкин. Шу билан бирга, одамларнинг ҳуқуқий онги ва касаба уюшмаларига бўлган ишончи юқорилигидан, деб талқин қилиш ҳам мумкин. Чунки ходим ўзини ҳақиқатан ҳам ҳимоя қилишларига ишонсагина, мурожаат қилади. Шу маънода мурожаат фақат рақам эмас, балки жонли сигналдир. У ҳуқуқи бузилганини анилаган инсоннинг адолат излашидир.

Баъзи ҳудудлар, масалан, Тошкент вилоятидан 350 та, Тошкент шаҳридан 320 та, Фарғона вилоятидан 300 та мурожаат келиб тушган. Бу мазкур ҳудудларда муаммолар йўқ, дегани эмас. Баъзан ходимлар иш бе-

рувчи босими таъсирида ёки «Мурожаат қилган тақдиримда ҳам ҳеч нарса ўзгармайди», деган фикр билан сукут сақлашни афзал кўрадилар.

Тармоқлар кесимида энг кўп шикоят таълим ва фан соҳасидан келган – 1000 га яқин. Соғлиқни сақлаш тизимидан 800 та, давлат муассасалари ва жамоат хизматидан 700 та мурожаат ёзиб олинган. Бу соҳаларда асосан аёллар фаолият юритади ва уларнинг меҳнат ҳуқуқлари, иш ҳақи, меҳнат шароити билан боғлиқ масалалар долзарблигича қолмокда. Агросаноат, маданият ва спорт, кимё ҳамда фармацевтика соҳаларидан мурожаатлар нисбатан кам.

Аслида ҳар бир меҳнат ҳуқуқи бузилишига алоҳида ҳолат эмас, балки тизимли таҳлил объекти сифатида қараш керак. Агар бир хил мазмундаги мурожаатлар кўпайиб бораётган бўлса, бу тасодиф эмас, аксинча ташкилотдаги муаммонинг белгиси.

Меҳнат ҳуқуқини тиклашда фақат жавоб бериш билан чекланиб қолмаслик керак. Жавоб берилган, лекин ҳимоя қилинмаган ҳолатлар ҳам амалиётда кўп учрайди. Баъзида иш берувчиларга бир оғиз «Нима бўляпти?», «Ҳолат бўйича қонунчиликда бунга қуйдагича жавоб бор, сиз нотўғри иш тутяпсиз», деб тушунтириш беришимиз биланоқ 30-40 фоиз муаммолар жойида хал бўлиб кетади.

Энг охириги муҳокама қилинган ҳолатлардан бири «Баркамол авлод» маркалари раҳбарларидан бўлаш тўғрисида ёппасига ариза ёздириб олингани бўлди. Биз мактабча ва мактаб таълими вазирлиги касаба уюшмаси ва юристлари билан боғланиб, айни ҳолат бўйича музокара олиб бордик. Шундан сўнг мажбуран ариза ёзган ходимлар ишдан бўшатилмади. Чунки бу очикдан-очик қонун бузилиши эди. Аммо айримлар аллақачон бўшаб кетган экан. Биз жараёни кузатиб борапмиз.

– Судлар касаба уюшмалари даъволарини қанчалик эшитишяпти? Ходимни ишдан бўшатишдан олдин касаба уюшмасининг розилиги олинмиш керак, деган талаб эътиборга олинаптими?

– Одатда, энг кескин ва хал этилмаган масалалар сўнгги босқичда судларга чиқарилади. Касаба уюшмалари юристлари судда иштирок этиб, ишчи-ходим манфаатини ҳимоя қилиш билан бирга, иш берувчи томонидан йўл қўйилган ҳуқуқбузарликларни асосли равишда исботлаб беришади.

Қонунга кўра, иш берувчи штат қисқариши, интизомий жазо ёки бошқа вазлар билан ходимни ишдан бўшатишдан аввал, касаба уюшмасининг тегишли органидан ёзма розилик олиши шарт. Аммо айрим ташкилотларда бу норма ё инкор этилади ёки фақат «қороз учун» бажарилади. Шунинг учун ҳам касаба уюшмасининг розилигисиз ишдан бўшатиш ҳолатлари бўйича кўплаб даъволар судларда кўриломқда.

2025 йилда юристларимиз иштирокидаги судлар орқали 80 нафар ходимнинг меҳнат

ҳуқуқлари таъминланди ва уларнинг фойдасига жами 5 миллиард 628 миллион 426 минг 600 сўм тўловлар ундирилди.

Бинобарин, касаба уюшмалари бугунги кунда фақат жамоавий йиғилишларда эмас, балки суд мажлисларида ҳам ўз сўзини айта оладиган, малакали ва таъсирли ҳимоя институтига айланмокда.

– Мурожаатлар билан ишлаш бўлими раҳбари сифатида ҳудудлардаги меҳнат инспекторларининг фаолияти ҳақида қандай фикрдасиз? Улар нималарга кўпроқ эътибор қаратишлари лозим, деб ўйлайсиз?

– Ҳудудлардаги меҳнат инспекторлари фаолияти бўйича ҳулосаларим ижобий. Аксари яти масъулият билан ишлайди, ҳар бир мурожаатни чуқур ўрганишга ҳаракат қилади. Зарур ҳолларда судда иштирок этиб, ходимлар ҳуқуқларини тиклашга ёрдамлашади.

Бироқ айрим ҳолатларда муаммоли ёндашуларга ҳам дуч келамиз. Энг кўп учрайдиган ҳолат мурожаатларни «шаблон» асосида ёпиш. Масалан, ходим иш ҳақи кечиккани ҳақида мурожаат қилади, аммо жавобда фақат «Меҳнат кодексига мувофиқ иш ҳақи ўз вақтида тўланиши лозим», деган норма келтирилади, холос. Лекин унда қачон тўланиши, ким жавобгарлиги ёки қандай чора кўрилгани кўрсатилмайди. Бу ҳолатда ходим эмас, қонун ҳимоя қилингандек кўринади.

Яна бир муаммо масалани ҳал қилмасдан мурожаат ишини тутатиш ва ёпиб қўйишидир. Айтийлик, ходим ноқонуний равишда ишдан бўшатишган. Мурожаат кўриб чиқилиб, иш берувчидан изох олинган. Лекин ходим ишга тикланмаган, компенсация тўланмаган, жавобгарлик белгиланмаган. Шунга қарамай, бу иш «кўриб чиқилди», деб ёпилади. Биз буни «Формал назорат», деб атаймиз. Чунки ижро муддати тугаган, лекин адолат тикланмаган.

Учинчи жиддий муаммо – такрорий мурожаатларнинг таҳлил қилинмаслиги. Агар бир корхонадан 6 ой давомида иш ҳақи билан боғлиқ 10 та мурожаат тўшаётган бўлса, бу бир маргалик эмас, балки тизимли муаммонинг белгисидир. Афсуски, баъзи ҳолларда ҳар бир мурожаат алоҳида кўрилиб, умумий таҳлил қилинмайди. Текширув белгиланмайди ва самарали чора кўлланилмайди. Оқибатда мурожаатлар яна ва яна қайтарилади.

– Яқинда бир меҳнат инспектори билан гаплашганимда, у «Мурожаатлар жуда кўп, юклама ортиб кетяпти. Баъзида бу ишлар билан сифатли шугулланишимизга таъсир қилади», деб қолди. Ушбу фикрга қўшила-сизми? Агар шундай бўлса, вазиятни меъёрга келтириш бўйича қандай таклифларингиз бор?

– Бугунги кунда меҳнат инспекторларига юклама ошиб бораётгани рост. Бу биринчидан, касаба уюшмаларига ишонч органидан, одамлар ҳуқуқий ҳимояни айнан биздан



кутаётганидан дарак беради. Иккинчидан эса, ортиқча юклама инспекторнинг иш сифатини пасайтириши, энг асосийси, ҳар бир мурожаатга етарлича вақт, таҳлил ва ечим ажрата олмадик хавфини тўғдириши мумкин.

Инспектор – таҳлилчи, ҳимоячи, маслаҳатчи. У бир вақтнинг ўзида мурожаатни ўрганиши, иш берувчи билан мулоқот олиб бориши, зарур бўлса, судга ҳужжат тайёрлаши, ҳисобот тузиши, мониторингга қатнашиши керак. Боз устига, баъзи ҳудудларда инспекторлар сони чекланган, вазифалар кўп. Натижада улар юзлаб мурожаатлар орасида қолиб, уларни тўлиқ тадқиқ қилиш ва ечим топиш ўрнига фақат расмий жавоб беришга мажбур бўлиб қолмокда. Бу эса ишончни сўндириб, ҳақиқий ҳимояни орқага суриб қўяди.

Вазиятни меъёрга келтириш учун қуйидаги таклифларни билдирган бўлардим:

– Инспекторлар сонини кўпайтириш, юклама юқори бўлган ҳудудларга қўшимча штат ажратиш зарур. Бунинг учун реал статистика асосида юклама бўйича таҳлил ўтказилиши керак.

– Мурожаатларни саралаш ва ихтисослаштириш. Ҳар бир инспектор барча масалани қамраб олиш ўрнига, муайян йўналишлар бўйича ихтисослашса, натижа ҳам, сифат ҳам ортади.

– Электрон таҳлил ва автоматлаштирилган ечимлар томон қадам ташлаш. Айрим оддий ҳолатларда тизим ўзи ечим таклиф қиладиган электрон ёрдамчи механизмлар ишлаб чиқилиши лозим.

– Инспекторларнинг ҳуқуқий ва амалий малакасини мунтазам ошириш. Бу уларга вақтни тежаши, стандарт жавоблардан воз кечиб, самарали ёндашушни қўллаш имконини беради.

– Формал ҳисоботларни қисқартириш, асли вазифамиз бўлган ҳимояни кучайтириш. Инспекторнинг вазифаси қороз тўлдириш эмас, аввало, адолатни тиклаш эканини унутмаслигимиз зарур.

Бир сўз билан айтганда, биз адолатли меҳнат муҳитини яратишни мақсад қилган эканмиз, бу йўлда энг муҳим суянчиқларимиз меҳнат ҳуқуқ инспекторларига шарт-шароит яратишимиз, ёрдам беришимиз керак.

– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат, саломат бўлинг.

Зебо НАМОЗОВА

суҳбатлашди

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгашида хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий кўллаб-қувватлаш ҳамда «Аёллар дафтарининг» наватбадга босқичида амалга ошириладиган ишларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Асрор Эшонхўжаев, Наманган вилояти ҳокимининг ўринбасари Динара Якубова, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи Аҳад Мирзаев, шунингдек, бошқа идора-ташкилотлар раҳбар-ҳодимлари иштирок этишди.

Тадбирда «Аёллар дафтари» орқали хотин-қизларнинг ижтимоий аҳолини чуқур ўрганиш, бандлигини таъминлаш, касб-хунарга йўналтириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлашларига кўмаклашиш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди. Шунингдек, уларни манзилли кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари самарадорлигини



ҲАР БИР МАСАЛА
ЕЧИМ ТОПИШИ ЗАРУР

ошириш, муаммоларни бартараф этиш ҳақида фикр-мулоқазлар билдирилди.

– «Аёллар дафтари» шунчаки ижтимоий рўйхат эмас, балки уларнинг ҳаётини яхшилашга қаратилган амалий дастурдир, – дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгашининг раиси Зулхуморхон Хожиматова. – Аёл ишли бўлса, муҳтожлик сезмаса, турмушида барқарорлик бўлади, фарзандларига яхши тарбия бериб, уларнинг тақдири ва келажагидан хотиржам бўлади.

Шавкатбек ҚАҲҚОРОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши раисининг хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари бўйича маслаҳатчиси

Хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи бир неча йилдирки, эътибор марказида бўлиб келмокда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган ва бошқа ҳеч бир мамлакатда учрамайдиган ноёб механизм – «Аёллар дафтари» тизими бу борада самарали воситага айланди. У орқали уйма-уй юриб хотин-қизларнинг турмуш шароити, муаммо ва эҳтиёжлари ўрганилади. Аниқланган муаммолар бўйича манзилли дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳар бир мурожаат назоратга олинади.

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН
ЧЕТДА ЭМАС

Навоий вилоятидаги шу давргача амалга оширилган 6 та босқичда 138 минг нафардан ортқ аёллар иш билан таъминланди, тиббий кўриқдан ўтказилди, касб-хунарга ўқитилди, ижтимоий ёрдам билан қамраб олинди. «Аёллар дафтари» тизимининг 7-босқичини шакллантиришга бағишланган йиғилишида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳоджон Ханapiaев, касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши раиси

Назира Тоғаева ҳамда тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарлари иштирок этидлар.

Сўзга чиққанлар амалга ошириладиган устувор вазифалар, хусусан, маҳаллалар «еттилиги» томонидан хатлов жараёнларини сифатли ва холис ташкил этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, оғир турмуш шароитида яшаётган, ишсиз, саломатлиги билан боғлиқ муаммолари бор аёлларни аниқлаш ва уларни кўллаб-қувватлаш чораларини кучайтириш масалалари ҳақида атрофлича тўхталдилар. Таъкидланганидек, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири, оила тақдири турибди. Шу боис хатлов жараёнларида юзакиликка йўл қўймаслик, ҳар бир ҳолатни чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Зайниддин МИСЛИМОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши Ижтимоий суғурта бўлими мудир

Назм

АЁЛ

*Сен аёлсан, ўзингда куч топ,
Гулдек нозик вужудинг билан.
Сен аёлсан, хиёнатни чоп,
Илоҳий нур, сужудинг билан.*

*Сен оловга ёнишдан дарс бер,
Шеър ёза бил тиглар устида.
Сен гулларга ҳусндан қарз бер,
Рақсга туш чўғлар устида.*

*Атрофингда қашқир увиллар,
Сен ёниб тур, илтимос, сўлма.
Дунё йиғлар, дунё ҳувиллар,
Сен ўлмагин, илтимос, ўлма.*

*Эзгуликни эмизган ўзинг,
Ҳалолликда танҳосан, тоқсан.
Боласига чопган оҳусан,
Сен Онасан, шу билан ҳақсан.*

*Болаларинг жавдириб кўрқиб,
Келишингни қутар, букилма.
Сиртмоқларни тишинг билан уз,
Сен ўлмагин, илтимос ўлма.*

*Сен ҳавосан, жон бер, ҳаёт бер!
Зулматларни тўлдир зиёга.
Сен меҳр бер, куч топ ва кечир!
Муҳаббат бер, ишқ бер дунёга.*

Зулфия МЎМИНОВА



Ўн йиллар аввал эди, чамамда. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Боғот тумани кенгаши раиси Ширин Юсупова кўнғироқ қилиб, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни олдида тумандаги фахрий ўқитувчи ҳақида мақола тайёрлашни таклиф қилди...

87 яшар муаллим билан суҳбатимиз жуда мароқли кечди. У кишининг кўпчиликка ибратли ҳаёти ва фаолияти ҳақида очерк ёзилди.

Кейинчалик ҳам Ширин опа билан ҳамкорликда кўплаб мақолалар тайёрладик. Туманда бирон ўқитувчи ютуққа эришса, суюниб дарров телефон қилади. Соҳа ходимларига бўлган меҳри тошган опани «Сиздай касабакўми бор муаллимларнинг бахти қулган», деб алқаб қўяман.

Ширин Юсупова ўқитувчилар дарду ташвиши билан яшашни, уларнинг мушуклини осон қилишни, ютуқлар салмоғини оширишни ҳаёт мазмунига айлантирган инсон. Ҳар куни уни излаб келган ўнлаб инсонларни самимий кутиб олиб, хавотирларини, қайгуларини қувончга дўндиришни бурчи, деб билади.

У 1989 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳадислари институтини тамомлаб, мутахассисликка эга бўлди. Шу йили Боғот туманидаги 3-умумтаълим мактабиди иш бошлади. 1996 йилдан 2005 йилгача тумандаги 5-мактабгача таълим муассасасига мудирлик қилди.

2005 йилда уни Хоразм вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Боғот тумани вакили қилиб сайлашди.

– Ўшанда ўзимга билдирилган ишончни оқлай оламанми-йўқми, деб роса ўйлангандим. Чунки бу масъулияти оғир, шу билан бирга, шарафли вазифа эди, – дея хотирлайди Ширин Юсупова.

Касаба уюшмалари фидойилари

ШИРИН ОПАНИНГ
ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ

рин опа ўша дамларни. – Мана, йигирма бир йилдирки, ҳар сафарги сайловда менга қайта ишонч билдиришганида, ўша савол яна жонланади.

Кўпчилик касаба уюшмаси ходимлари қатори Ширин опа ҳам касабакўмлини ён-атрофдагиларга яхшилик қилиш имкони, деб билади. Ҳар куни 5000 дан зиёд аҳолилар манфаати учун ҳаракат қилади. Кимдир моддий ёрдам сўраса, кимдир ишхонасидаги ноҳақ муносабатдан шикоят қилади. Яна бирови оилавий муаммолар гирдобидида қолганини айтади.

– Касаба уюшмаси етакчиси кези келганда, ҳам ҳуқуқшунос, ҳам психолог бўла олиши керак, – дейди Ширин Юсупова. – Ходимлар орасида ўз ҳуқуқини билмайдиганлар ҳам топилади. Шунинг учун турли тadbирлар уюштириб, ходимларни меҳнат қонунчилигининг мазмун-моҳияти билан таништирамиз, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши меҳнат инспекторлари иштирокида давра суҳбатлари ташкил этамиз. Иш берувчилар билан музокаралар жараёнида керак бўлса, баҳслашамиз, тортишамиз. Кейинги йилларда Жамоа шартномаси бандлари ижросини таъминлашда иш берувчилар фидойилик ва ташаббускорлик кўрсатаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Албатта, музокаралар самарали бўлиши учун масалага тўғри ва самимий ёндашув керак.

...2018 йил эди. Ўрганишларда 135 нафардан ортиқ ходимнинг иш ҳақи нотўғри тўлангани аниқланиб, қайта тўловлар амалга оширилди. Байрам кунлари навбатчиликка қўйилган ходимларга 2 баробар иш ҳақи тўланишига эришилди. Ўшанда баъзи раҳбарлар Ширин Юсуповани ёвқараш қилишди. Аммо касабакўм ортга чекинмади. Қўмита аралашуви билан мактабгача таълим ташкилоти ходимларининг йиллар давомида йиғилиб қолган меҳнат таътили пуллари ундириб берилди. Бундай мисоллар талайгина.

Қаҳрамонимиз туман кенгаши раиси сифатида бошланғич ташкилотлар раислари салоҳиятини оширишга ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Улардан ходимлар манфаатини барча нарсадан устун қўйишни талаб қилади. Ходимларга муносиб меҳнат шaroитлари яратиш, педагог бўлмаган касабача аъзолари – фаррошлар, қоровуллар ва бошқа техник ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳам доимий эътиборда. Мажбурий тиббий кўрикдан ўтмишда ходимлар чиқимдор бўлмаслиги учун иш берувчилар билан музокаралар олиб боради. Бирор ходим ишдан ноҳақ бўшатилишига

йўл қўймайди.

Ташаббускор касабакўм соҳа вакиллари манфаатларини қўлаб, янги таклифларни ўртага ташлашдан чарчамайди. Спорт мусобақалари, «Заковат» ўйинлари, маърифий кечалар орқали

касаба уюшмаси аъзоларининг ўзаро фикр алмашиши, билмларини мустаҳкамлаш учун шароит яратиб беради. Албатта, фаолларни рағбатлантиришни ҳам ёддан чиқармайди.

Ширин Юсупованинг фидокорона меҳнатлари муносиб эътироф этилган. У «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги», «Халқ таълими аълочиси», «Эхтиром» нишонлари ва бошқа бир қатор мукофотларни ўзининг ҳалол хизматларига берилган юксак баҳо, деб билади.

Ширин опа Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши аъзоси сифатида ҳам фаол. Касаба уюшмаларининг жамиятдаги нуфузини янада мустаҳкамлашда ҳам жонбозлик кўрсатмоқда. Ўз ишидан ортиб, «Аёллар дафтари»нинг 7-босқичида амалга оширилаётган ишлар юзасидан жамоатчилик назоратини олиб бормоқда.

– Таъбир жоиз бўлса, касаба уюшмалари даргоҳи нажот эшигиндир. Умид билан очилган бу эшик хамиша қониқиш ва меҳр билан ёпилиши керак. Мен шунга ҳаракат қиламан, – дейди Ширин Юсупова.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА
«ISHONCH»ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ВА
СПОРТ МАМЛАКАТИ

Президентимизнинг февраль ойи охирида ёшлар билан бўлган учрашувини барча қатори мен ҳам катта қизиқиш билан кузатдим. Ҳудудлардаги студиялар орқали 60 мингдан зиёд ёшлар вакиллари иштирок этган тadbирда давлатимиз раҳбари юртимиздаги 22 миллиондан зиёд ёшлар жуда катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий куч эканини алоҳида таъкидлади.

Спорт журналисти сифатида менинг эътиборимни ёшларни спортга жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ҳақидаги фикрлар кўпроқ тортиди. Чунки, йиғилишда барча даражадаги раҳбарлар бошқа соҳалар қатори ёшларни спортга жалб этиш бўйича янада фаол ишлаши, бирорта йигит-қизни эътиборсиз қолдирмаслиги зарурлиги қайд этилди.

Яратиб берилаётган имконият ва шарт-шaroитлар, кўрсатилаётган ғамхўрликлар натижасида ёш спортчиларимиз халқаро ареналарда 720 та олтин, 671 та кумуш, 854 та бронза медал соҳиблари бўлишгани барчамизни қувонтириши шубҳасиз.

Юртимизда спортнинг олимпия ва ноолимпия ҳамда миллий турлари, паралимпия йўналиши бир-



дек ривожланмоқда. Маълумотларга кўра, сўнгги тўрт йилда бюджетдан спортга ажратилаётган маблағ 1,5 триллион сўмдан 3 триллион сўмга ошган, мураббийларнинг ўртача маоши 2 баробар кўпайган, 101 та йирик спорт объекти янгидан қурилиб, 67 таси реконструкция қилинган. Пойтахтимизда юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган Олимпия шаҳарчасини, ҳеч иккиланмай ана шу спорт иншоотларининг гултожиси бўлди, дейиш мумкин.

«Президент олимпиадаси», «Беш ташаббус олимпиадаси», «Раҳбар кубоги» каби мусобақалар маҳалалар, ўқув юртиларидан бошлаб миллионлаб ёшларни камраб олмақда. Биргина 2025 йилда бу каби оммавий спорт мусобақалари иштирокчилари сони 10 миллион нафардан ошгани ҳам эътирофга лойик. Хусусан, «Президент олимпиадаси»нинг ҳудудий босқичлари иштирокчилари сони 100 мингдан кўпроқни ташкил этди. Уларнинг 3 минг нафари республика босқичида қатнашиш имкониятига эга бўлди. Мусобақанинг республика босқичида Президентимиз Ш.М.Мирзиёев иштирок этиб, нутқ сўзлагани иштирокчиларга ҳамда спортсевар барча ёшларга ўзгача куч ва рағбат бағишлади.

Учрашув тафсилотларини кузата туриб, профессионал ва оммавий спортни, мазкур йўналишда амалга оширилаётган ислохотларни ва уларнинг натижаларини, спортчиларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда эришаётган ютуқларни тарғиб қилиш биз, спорт журналистларига ҳам катта масъулият ва ғурур бағишлаши ҳақида ўйладим. Соҳага кириб келган, спортнинг ичида ўтказган йилларим кўз олдимдан ўтди.

Мана, 20 йилдан ошибдики, «Sport» телеканалиди ишлаб, шу жараёнларнинг бевосита гувоҳи ва ишти-

Фикр

рокчиси бўлиб келяпман. Айниқса, кейинги 8-9 йилда ичида оммавий ва профессионал спортга эътибор қаррасига ортганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Мамлакатимизда мунтазам ўтказиб келинадиган оммавий югуриш мусобақаларини, Ўзбекистон чемпионатлари, юртимиз меҳмонлик қиладиган нуфузли халқаро турнирларни телеканал орқали кенг ёришга баҳоли қудрат ҳисса қўшапман.

Оммавий югуриш мусобақалари одатда эрта тонгда ўтказилади. Шунга кўра, ижодий гуруҳимиз билан тонгги соат 6 ларда воқеа жойига етиб боришимизга, ёки нуфузли мусобақалардан голиб ва совриндор бўлиб қайтаётган спортчиларимизни тантанали кутиб олиш маросимларини ёритиш учун ярим кечаси, эрта тонгда Тошкент халқаро аэропортига чиқишимизга тўғри келади. Юртимиз довуғини дунёга дoston қилаётган спортчиларимиздан интервьюлар олиш, уларнинг ҳаяжонларига шерик бўлиш менга доим завқ бағишлайди. Шундай дамларда спорт журналисти эканимдан ғурурланаман. Касбим тақозосига кўра, Россиянинг Қозон, Якутск, Владивосток шаҳарларида, Озарбайжон, Беларусь ва Қирғиз Республикаларида, мамлакатимизнинг аксарият вилоятларида бўлдим.

2023 йилда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида Президентимиз Фармони билан бир гуруҳ ҳамкасбларим қатори «Соғлом турмуш» медали билан тақдирландим.

Президентимизнинг ёшлар билан учрашуви таассуротларини эслаш жараёнида ҳаёлимдан шу фикрлар ўтди ва юртимиз раҳбари 2025 йил 26 ноябрь куни «Президент олимпиадаси»нинг очилиш маросимида айтган қуйидаги сўзлар ёдимга тушди: «Ҳеч шубҳасиз, Янги Ўзбекистоннинг спорт тарихини излаб иродаси мустаҳкам, жасур ва матонатли, юксак интеллектуал салоҳиятга эга ўғил-қизларимиз яратмоқда. Ана шундай қаҳрамон спортчиларимизга шон-шарафлар бўлсин! Уларнинг боши узра Ватанимиз байроғи хамиша мағрур қилираб турсин!»

Ишонанамки, спортчи ёшларимиз ўзларига билдирилган ишончни оқлашдан, биз журналистлар эса уларнинг ютуқларини таранум этишдан чарчамаймиз.

Шафоат ТОЛИБЖОНОВА,
«Sport» телеканали қатна муҳаррири

Ўйлар

Ота-боболаримиз аёлларга мудом эхтиром кўрсатганлар. Буюк аллома, қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида узок ўтмишда ҳам аёллар байрами нишонлангани ҳақида маълумотлар келтирилган. Аждодларимиз маскидлар, мадрасалар, боғу роғлар ва мақбараларни уларнинг муборақ номлари билан атаган. Самарқанддаги «Бибиҳоним» жоме маскиди, мақбараси ва Ширинбека оғо мақбараси, Бухородаги «Қизибиб» мажмуаси ва «Модари-хон» мадрасаси, Сурхондарё вилоятидаги «Қирққиз» қалъаси меъморий ёдгорлиги, Хоразмдаги «Бибиҳоним она», Тошкент вилоятидаги «Албар биби» («Қамбар она») мақбараси каби тарихий обидалар шулар жумласидандир.

УЛАР БИЛАН ОЛАМ МУНАВВАР

Бизнинг аёл аждодларимиз – момо-ю оналаримиз давлат ишларида ва илм-одоб бобида ҳам ҳар қандай давлат арбоблари ва илмий эркаклардан қолишмаганлар. Аксинча, уларга яқин қўмакчи бўлганлар. Жумладан, Тўмарис – Турон халқининг аҳамонийлар босқинига қарши курашига раҳбарлик қилган жасур саркарда, қаҳрамон аёл. Қутлуг Туркон оғо Амир Темирнинг опаси. Соҳибқирон барпо этган қўл бинолар унинг маслаҳати билан қурилган. Амир Темирнинг сеvimли хотини Сароймулкхоним (Бибиҳоним), Бобурнинг онаси Қутлуг Нигорхоним, Алоуддин Мухаммад Хоразмшоҳнинг онаси Туркон хотун (Теркан), Амир Умархоннинг рафиқаси, Мухаммад Алихоннинг онаси Нодирабегим ўзларининг оқила маслаҳатлари билан салтанатни бошқаришда фаол қатнашганлар.

1501 йилда Бобурнинг опаси Хонзодабегимни Шайбонийхон сулҳ эвазига ўзига хотинликка сўраганида, Бобур Мирзонинг қаршилигига қарамай, Хонзодабегим юртининг, халқининг тинчлигини ва укасининг омонлигини ўйлаб, ўз бахтини қурбон қилиб, бу шартга рози бўлган.

Бобуршоҳнинг қизи Гулбаданбегим – Ўрта аср Шарқда биринчи тарихчи аёл эди. У «Ҳумоюннома» эсdalик тарихий асарини ёзиб қолдирган. Бобурийлар сулоласидан бўлиш Аврангзебининг қизи, шоира, маърифатпарвар Зебунисобегим отаси ҳукмронлик билан қозона олмаган шухратни илм ва одоб билан қозongan.

Бутун ҳам илму камолда етуқликка эришган, жамият ривожига ҳисса қўшаётган хотин-қизлар бисёр. Олима, муҳандис, спортчи, барча соҳаларда ютуқларга эришиб, давлатимиз байроғини баланд кўтарётган аёлларимиз билан ҳар қанча фахрланасан арийди. Зеро, мамлакатимизда уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ҳаётини яхшилаш ҳамда турмуш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, ҳар томонлама, ҳар бир соҳа бўйича ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Ўзбек аёли ҳар қандай ҳурмат ва олқишга муносибдир.

Баҳор ўзининг турфа гуллари билан бутун бориқчини яшнатса, аёл ўзининг вафоси, заковати, садоқати, лағофати ва чексиз меҳри билан ҳаётимизни чароғон қилади, оламни нурга тўлдириб, мунаввар айллайди.

Гулжамила АЪЗАМХЎЖАЕВА,
меҳнат фахрийси

Мароқли
дам олинг,
азиз газетхон!



Ғиёс Бойтоев ижросида

«МЕХРИБОН ОНА»
қўшиғиЭй, она!
Меҳрибон она!Кеч келсам, мени қутган,
Соғиниб ғамлар ютган,
Кўксига бошим қўйсам,
Дарров ғамин унутган...

MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие»
gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV

(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURDOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSEN'YAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

Gulrinhbegim ODASHBOYEVA

Musahhihlar:

Dilorom XUDOYBERGANOVA,

Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDULLILOV

Boshiga topshirilish vaqti – 02:20

Topshirildi – 02:40

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning
seshanba,
payshanba va
shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta
«Ishonch»ning
kompyuter markazida
terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail:

ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning

poligrafik jihatdan
sifati chop etilishiga
bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib
berilishi uchun obunani
rasmiylashtirgan
tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 285 ta

Shundan: 6 610 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik

kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 477 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 198 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,
236-«b» uyda chop etildi.Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-311

1 2 3 4 5 6